



Ishonch


Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 2 июнь • шанба • № 65 (4038)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

БАРЧА ИШЛАРИМИЗ ТУБ ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ МАҚСАДИ МУЖАССАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 июнь куни Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.



Давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси билан пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ишлари, иқтисодийнинг етакчи тармоқларида стратегик аҳамиятга эга йирик лойиҳалар муваффақиятли амалга ошириладиган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш, Тошкентни замона-

вий мегаполисга айлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимиз туманларида бу галги ташриф давомида ҳам асосий эътибор ана шу йўлдаги долзарб режа ва лойиҳалар ижросига қаратилди.

Президентимиз дастлаб «Тошкент-Шарқий» аэродроми базасида

барпо этиладиган ишбилармонлик аэропорти қурилиш участкасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 2 декабрь куни мазкур лойиҳа билан танишиб, бизнес-авиацияни ташкил этиш ва бундай турдаги барча хизматларни кўрсатишга қодир замонавий инфрату-

зилмани барпо этиш борасида кўрсатмалар берган эди.

Ишбилармонлик аэропорти Марказий Осиё минтақасида мутлақо янги тизим бўлиб, яқка тартибдаги ва корпоратив парвозларга ихтисослашади. Лойиҳа мамлакатимиз транспорт ва транзит имкониятларини янада оширишда муҳим ўрин тутди. Айни пайтда олий даражадаги меҳмонлар, хорижий делегациялар, ишбилармонлар, сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатади.

Ҳозирги вақтда эски учиб-қўниш йўлаги ўрнига 4 километрлик замонавий йўлак қуришмоқда. Соатига 250 йўловчини ўтказиш имкониятига эга терминал барпо этиш, кейинги босқичда қўшимча инфратузилма объектлари, меҳмонхона мажмуаси қуриш режалаштирилган.

Шу кунга қадар бу ерда қарийб 20 минг куб метр тупроқ ишлари бажарилиди. Қурилиш-монтаж ишларига 100 дан ортиқ махсус техника жалб этилган.

2

КУН НАФАСИ

«Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатда баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш, баҳоловчиларнинг профессионаллик даражаси ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, мазкур соҳада бажариладиган ишларнинг ҳолислиги ва сифати устидан назоратни қучайтиришга қаратилган қатор вазифалар белгиланган.

«Имтиёз ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ бозорда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароит яратиш, фаол тadbиркорликнинг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор вазифалар белгиланди.

«Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент қарори билан Молия вазирлиги ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти қилиб қайта ташкил қилинди. Ижтимоий соҳада тадқиқотлар ўтказиш вазифаси эса Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти зиммасига юкланди.

«Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига асосан истиқболли бошқарув кадрларининг тизимли асосда танлаб олинишини таъминлаш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва «Буюк келажак» халқаро нодавлат но-тижорат ташкилотининг 3 йилда бир марта истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича «Тараққиёт» республика танловини ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

«Иқтисодий ҳаётда фашизм устидан қўриқилишга қалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб хисасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармойишига биноан Иқтисодий ҳаётда фашизм устидан қўриқилишга қалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб хисасига бағишланган китоб-альбом тийёрлаб, нашр этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги Абдулла Арипов ва Қирғизистон Республикаси Бош вазирлиги Мухаммадкали Абилгазиев ўзбек-қирғиз чегараси борасида суҳбатлашди.

Икки томонлама учрашув 31

май куни Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтаётган МДХ давлатлари бош вазирлари учрашувлари доирасида бўлиб ўтди.

Женевада бўлиб ўтаётган 107-Халқаро меҳнат конференцияси доирасида Ўзбекистон делегацияси Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер билан учрашди.

Учрашув давомида ХМТ Бош директори декабрь ойида Тошкентда бўлиб ўтадиган халқаро меҳнат конференцияси доирасида мамлакатимизга ташриф буюришни режалаштиргани маълум қилинди.

«Ўзтрангаз» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Алишер Мустафоев вазифасидан озод этилган. Айни вақтда компанияга Шарифжон Турсунов янги раҳбар бўлган. У бунгача Мажбурий ижро бюроси тизимида фаолият кўрсатиб келаятганди.

Шарифжон Мўминжонов Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг ўринбосари этиб тайинланди.

Акмал Мирзаев Сув ҳўжалиги вазирлигининг ўринбосари лавозимига тайинланди. У бунгача Президент девони Фуқаролар ҳукуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муқоабатлари билан ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматининг муқоабатлар қўриб чиқилиши устидан назорат шўъбаси етакчи инспектори бўлиб ишлаган.

Сардор Умурақов «Ўз-чармасанот» уюшмасининг раиси, Фахриддин Бобоев уюшма раисининг биринчи ўринбосари ҳамда Мирсаид Зоҳидов ва Раъван Салаховлар уюшма раиси ўринбосарлари этиб тасдиқланди.

Тошкент шаҳри миқёсида 11 та туманининг ҳар бирида «Намунавий маҳалла» лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонлик зиёратчиларнинг 209 нафардан иборат дастлабки гуруҳи «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг замонавий авиалайнерида Саудия Арабистони Подшоҳлигига «Ўмра» амалларини бажариш учун учиб кетишди.

Эндилкида Ўзбекистонда автотомобилларни сотиш тизими ўзгартарилади. Бу ишларга автотомобилни сотиб олган кунда олиб кетиш имконини беради.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролари бўлмаган шахслар эндилкида Ички ишлар вазирлиги томонидан кириш-виъасини (таклифнома) 1 ойга расмийлаштириш ёхуд унинг муддатини узайтириш билан боғлиқ вақтинча пропискага қўйишда бож тўловидан озод этилмоқда.

2

Ёз — 2018

Бу йил ёзги таътилда қорақалпоғистонлик 11 минг 280 нафар ўғил-қизнинг оромгоҳларда ҳордиқ чиқариши режалаштирилган бўлиб, шундан 3000 нафар ўқувчи мамлакатимиз вилоятларидаги сўлим дам олиш масканларида соғломлаштирилади.

Биринчи навбатга 200 нафар бола

31 май куни Нукус темир йўл вокзалида биринчи навбат учун 200 нафар болани Тошкент шаҳрига кузатиш тadbбири бўлиб ўтди.

— Анъанага кўра, ёзги таътилни турли вилоятлардаги баҳаво дам олиш масканларида кўнглили ўтказиб келадиган воҳамиз болалари бу йилги мавсумни ҳам хурсандчилик билан кутиб олдилар. — дейди бирлашма бўлим мудир Женисбой Аяпов. — Улар 12 кун мобайнида мазмунли дам олиб қайтадилар.

Мўйнок, Тахтақўпир, Хўжайли, Кегайли, Чимбой, Амударё ва Тўртқўл туманларидаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари, боқувчисидан айрилган ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари биринчи навбатда ҳордиқ чиқариш учун пойтахт томон йўл олдилар.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Жонбахш томирлар

Эзгу ниятларга туташ анъаналар

Навоийда 30-31 май кунлари «Нурли наволар» халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтди

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 2 март куни Навоий вилоятига ташрифи давомида Хатирчи туманида ўтказилган йилгилидаги кўрсатмалари ижросини таъминлаш мақсадида Нурота тумани ва Навоий шаҳрида мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатларда фаолият кўрсатаётган фольклор жамоалари иштирокида «Нурли наволар» халқаро фольклор фестивалини ўтказиш режалаштирилган эди. Шу асосда Маданият вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида 30-31 май кунлари халқаро фольклор фестивали ташкил этилди. Нурота туманидаги қадимий «Нур чашмаси» мажмуасида фольклор жамоалари ва бахшиларнинг «Нурли наволар» халқаро фольклор фестивали кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Байрамона ташкил этилган сайилда маҳаллий ва хорижий фольклор жамоалари қатнашди. Миллий либослар ва миллий чолғу асбоблари садоси иштирокчиларда қувноқ кайфиятини қадаг келтирган бўлса, юртимиз табиати ва қадимий осори-атиқалари хорижий сайёҳларни ўзига ром этди.

2



Халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистонда Челябинск кунлари

Мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий алоқалари ҳамда импорт, экспорт камровини янада кенгайтириш, айниқса, охирги бир неча йил ичида янги босқичга кўтарилди. Хорижий ҳамкорлар билан ҳар томонлама яқин муносабатларини йўлга қўйиш юзасидан яхши шерикчилик аънавалари шакллантирилмоқда. Шу ўринда май ойида ўтказилган «Ўзбекистонда Челябинск вилояти кунлари» ҳамкорлик алоқаларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Хусусан, делегация Наманган вилоятида бўлиб, таълим, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, тadbиркорлик, туризм борасидаги фаолият билан атрофлича танишди. Ташриф асносида турли соҳаларда ҳамкорлик юзасидан келишув ва шартномалар имзоланди. Кези келганда, ўтган йилнинг март ойида Наманган делегацияси Челябинскда бўлганида ҳамкорлик юзасидан қатор келишувлар имзоланганини таъкидлашни истардик.

Икки вилоятнинг 50 дан зиёд тadbиркор ва ишбилармонлари иштирокида бўлиб ўтган биз-

нес-форумда вилоятимизда ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот ва бошқа саноат маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилиб, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги вақиллари билан учрашувлар натижаси ўларок, ўзаро ҳамкорлик бўйича қўллаб келишувларга эришилган ва наманганлик ишбилармонлар томонидан саноат ва мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш бўйича умумий қиймати 67 миллион долларлик экспорт шартномаси имзоланган эди.

3

БАРЧА ИШЛАРИМИЗ ТУБ ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ МАҚСАДИ МУЖАССАМ

Аэродром ҳудудида бир вақтнинг ўзида 20 та самолётга хизмат кўрсатадиган перрон қурилади. Шунингдек, қўриқлаш, алоқа ва хавфсизлик пунктлари бунёд этилиши кўзда тутилмоқда. Лойиҳа доирасида ҳаво лайнерларига техник хизмат кўрсатиш маркази, самолёт ва вертолётларни сақлаш учун замонавий ангар, ёнгин хавфсизлиги депоси қурилади. Шу билан бирга, диспетчерлик маркази ва йўловчилар учун оқватланиш биноси барпо этилади.

Лойиҳанинг биринчи босқичи 2020 йилда якунланиши белгиланган.

— Бизнес-аэропортда хорижий ишбилармонларга ҳар томонлама маъқул бўладиган хизматларни йўлга қўйиш учун лойиҳаси мукамал бўлиши керак. Самолётдан тушган одам халқимизнинг нечоғли бағрикент ва меҳмондўст эканини ҳис этиши керак. Шу боис замонавий лойиҳа институти ташкил этиб, Япония, Германия каби мамлакатлардан малакали мутахассисларни ишга жалб этиш лозим. Ана шундай қилсак, бу аэропорт халқимизга, фарзандларимизга кўп йиллар хизмат қилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз пойтахтимизнинг Махтумқули ва Охангарон кўчалари кесимида барпо этилаётган уч қаватли замонавий кўприк лойиҳасини кўздан кечирди.

Энг гажум чорраҳалардан бири бўлган мазкур ҳудудда уч қаватли янги кўприк қурилиши тирбандликни камайтириб, ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлайди.

Кўприкнинг Паркент кўчасидан Охангарон шоссесига ўтувчи қисмида узунлиги 500 метрдан зиёд тунель қурилади. Иккинчи босқичда Қорасув даҳасидан Махтумқули кўчасига чикувчи йўлнинг мазкур тунель устидан ўтган қисмида айланма кўприк бунёд этилади. Иккала кўприк устидан ўтувчи учинчи қават Махтумқули ва Темур Малик кўчаларини туташтиради. Шунингдек, Тошкент механика заводида таъмирланган самолётларни ишбилармонлик аэропортига олиб бориш учун йўл ўтказгич барпо этиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, шу чоққача юртимизда уч қават кўприк қурилмаган эди. Эндилда **Ўзбекистон эстакада бунёд этиш таърибасини** ҳам ўзлаштирмоқда.

Қурилиш ишларини 2019 йил август ойида тўлиқ якунлаш режалаштирилмоқда.

— Бу кўприк келгусида Тошкент шаҳрининг ўзига хос таширф қоғози бўлади, — деди Президентимиз. — Ўзбекистон учун янгилик бўлган ушбу маҳабатли иншоот Чорвоқ ва Чимён ҳудудини ривожлантиришга замин яратди. Кўприк қурилиши жараёнида автомобиллар ҳаракати тўхтатилмайд.

Янги транспорт боғламаси Тошкент шаҳридан Чорвоқ ҳудудига борувчи йўлни 22 километрга қисқартирмоқда. Айни пайтда пойтахт аҳолиси ва хорижлик сайёҳларнинг Чорвоқ ҳамда Чимён ҳудудига тез ва осон етиб олиши учун Чирчиқ дарёси устидан кўприк бунёд этилмоқда.

Шавкат Мирзиёев янги кўприкни замонавий технологиялар асосида сифатли бунёд этиш, коммуникация тармоқларини жойлаштириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

— Асосийси, ёз жазирамасида бу ерда қурилиш ишлари транспорт катновига ноқулайлик туғдирмаслиги зарур. Буни ҳозирдан ўйлаб пухта ечим топиш, қурилишни 3 сме-нада ташкил этиш лозим, — деди Президентимиз.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига Тошкент ерусти халқа метро линиясини куриш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.


Давлатимиз раҳбари Чилонзор тумани-нинг Афросиёб ва Бешёғоч кўчалари кеси-шувидаги ҳудудда барпо этилаётган кўп тар-

мокли «Хумо Арена» муз саройи қурили-шини кўздан кечирди.

Ушбу мажмуа дизайнида замонавий қу-рилиш ечимлари ва илғор технологиялар миллий маданият элементлари билан уйғун-лашиб кетган. Мажмуа кўкда парвоз этаётган бахт ва хурлик рамзи — Хумо куши шаклида барпо этилмоқда.

Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 февраль куни «Хумо Арена» лойиҳаси билан танишиб, бу каби замонавий спорт иншоотларининг барка-мол авлод тарбиясидаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган, мутасадди раҳбарларга қу-рилишни юқори сифат билан амалга ошириш бўйича зарур кўрсатмалар берган эди.

Иншоот икки қисмдан иборат бўлиб, унда асосий ва машқ муз ареналари жой олади. Умумий майдони 82 минг 250 квадрат метр-дан иборат 6 қаватли иншоотнинг энг баланд



нуктаси 40 метрни ташкил этади.

Мобиль ўриндиқлар билан жиҳозланади-ган саройда хоккей ўйинларини 12 минг 500, бoшқа спорт мусобақаларини 14 минг, турли концерт ва дам олиш дастурларини 10 минг томошабин кузатиш имконига эга бўлади. Дам олиш маскани ва ижтимоий марказ сифатида барпо этилаётган муз саройида турли тadbирларни ўтказиш мумкин бўлади. Хусусан, аренада халқаро хоккей ўйинлари, кёрлинг, фигурали учиш, шорт-трек бўйича мусобақалар, баскетбол, волейбол, гандбол, футбол, бокс, таэквондо, қиличбозлик бахсларини ўтказиш имконияти яратилади. Бундан ташқари, мажмуада умумхалқ байрамлари, концертлар, кўргазма ва форумлар ташкил этиш мумкин.

Мажмуада муҳандислик тармоқлари, ёнгинни ўчириш, совутиш тизимлари, ёри-тиш, вентиляция, иссиқлик манбан тўлиқ ав-томатлаштирилган ҳолда, тежамкор техноло-гиялар қўлланилади. Унинг ёнида 1 минг 375 автомобилга мўлжалланган 5 қаватли автоту-раргоҳ қурилмоқда.

Президентимиз ушбу мажмуада шуғул-ланадиган хоккей, фигурали учиш ва бoшқа спорт турлари бўйича жамоаларни ҳозирдан шакллантириш, бу ерда йирик халқаро мусо-бақаларни ташкиллаштириш масаласини ўр-ғаниб чиқиш лозимлигини таъкидлади.

Мазкур мажмуани йил охирига қадар фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри маркази улкан қурилиш майдонига айланган. 80 гек-тар ҳудудда барпо этилаётган «Toshkent City» халқаро ишбилармонлик марказига на-фақат юртимиз тadbиркорлари, балки хориж-лик инвесторлар ҳам қизиқиш билдирмоқда.

Президентимизнинг мазкур ҳудудга таширифи ва қурилиш ишлари билан тани-шуви чоғида бу ҳақда алоҳида сўз юритилди.

Ҳозирги кунда мазкур замонавий марказ ҳудуди 7 қисмга бўлиниб, қурилиш ишлари

олиб бoрилмоқда. Айни пайтгача 42 минг куб метр тупроқ ишлари бажарилган, «Кон-гресс холл» ва беш юлдузли меҳмонхонанинг ерусти монолит копламаларини мустаҳкам-лаш якунланган.

Давлатимиз раҳбари «Toshkent City» қу-рилиш жараёнини кўздан кечирди. Қурув-чи-муҳандислар, хорижлик мутахассислар билан суҳбатлашди.

Бугунга қадар «Toshkent City» маъмурия-ти томонидан Буюк Британия, Германия, Италия, Жанубий Корея компаниялари бил-лан замонавий турар жойлар, офис ва савдо мажмуалари, таълим муассасалари, 2 та 20 қаватли савдо-кўнгилочар марказ, 40 қаватли мультифункционал бино ва иншоотлар қури-лишига инвестиция қиритиш бўйича лойиҳа-лар имзоланди.

Президентимиз меҳмонхона ва «Кон-

ларини таъмирлаш ва эксплуатация қилиш борасидаги ишлар тақдироти ўтказилди. Тошкент шаҳрида яна ўн бешта жойда йўл ўтказгичлар қурилиши маълум қилинди.

Давлатимиз раҳбари кўприкларни сақлаш, таъмирлаш ва эксплуатация қилиш масаласи ҳам гоёат долзарб эканини қайд этди. Соҳа учун махсус мутахассислар тай-ёрлашга ихтисослашган коллежлар ташкил этиш бўйича топшириқлар берди.

Юртимизда аҳолининг турмуш фаровон-лигини ошириш, одамларимиз учун замона-вий шарт-шароит яратишга алоҳида эъти-бор қаратилмоқда. Бу борада бир қатор мeъ-ёрий-хукукий ҳужжатлар қабул қилинди, «Обод қишлоқ» дастури амалга оширил-моқда. Энди шаҳарлар учун «Обод маҳалла» дастури ишлаб чиқилмоқда.

Чилонзор туманидаги Хирмонтeпа маҳалласи тажриба тарикасида ушбу концеп-ция асосида обод қилинмоқда. Ҳудудда жой-лашган 24 та кўп қаватли уй таъмирланди. Маҳалла идораси ходимлари, профилактика инспекторлари учун бино, коммунал тўлов-лар шохбoчаси, болалар ва спорт майдонча-лари барпо этилмоқда.

Президентимиз шу ерда маҳалла фаол-лари, кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли ва болалар билан суҳбатлашди, уларнинг ўй-ташвишлари билан қизиқди.

— Ҳар бир маҳаллани Жиззахдаги Ма-наста ўхшатиб обод қилишимиз керак. Барча ишларимиз туб замирида халқимизни рози қилиш мақсади мужассам. Бунинг учун барча имкониятларни ишга соламыз, — деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор тумани-даги Тирсақобод маҳалласида ҳам бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари билан танишди.

«Тирсақобод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда 9 кўп қаватли уй ва 864 ҳовли мав-жуд. Бу ерда яшаётган 5 минг 200 дан ортиқ аҳоли орасида турли миллат вакиллари бор.

Маҳаллада Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-сида»ги фармони асосида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

«Sherobod building» масъулияти чеклан-ган жамияти билан ҳамкорликда маҳалла марказида чойхона, новвойхона, гузаллик са-лони, дўконлар, спорт ва болалар майдонча-ларининг замонавий қиёфада қад ростлаши маҳалла аҳли ва унга ёндоқ ҳудуд аҳолиси учун айни муддао бўлмоқда.

Бу ерда «Обод маҳалла» лойиҳаси асо-сида маҳалла ранси, котиби, маслахатчилар, профилактика инспектори, нурунийлар учун хоналар, кутубхона, мажлислар зали, болалар майдончаси, ёшлар учун спорт иншоотлари, фавворалар қурилиши, ўриндиқлар, соябон-лар, тунги ёритгич мосламалари ўрнатиш каби ишлар жадал кетмоқда.

Давлатимиз раҳбари маҳалла фаоллари билан мулоқотда бўлди.

Пойтахтимиз ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий маҳалла марказлари бунёд этиш, аҳоли билан доимий мулоқот қи-лиш, унинг фаровонлиги ва тинчлигини таъ-минлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳри ва туманлари хо-қимлари, мутасадди раҳбарлар иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Танкидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғи-лишда пойтахтимизда саноат ва кичик биз-несни ривожлантириш, аҳоли бандлигини ошириш, муҳандислик коммуникация тар-моқларини яхшилаш бўйича долзарб чо-ра-тадбирлар белгилан берилди.

Матназар ЭЛМУРОВОД,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Умар АСРОРОВ,
Ўза Мухбирлари

КУН НАФАСИ

Наманган шаҳри кўчала-рида муаллақ, яъни ҳавода осилиб тургандек қўринадиган 3D пидедалар ўтиш йўлига пайдо бўлди.

Мазкур инновацион ғоянинг моҳияти шуки, пидедалар ўтиш йўлига узокдан келаётган авто-машина ҳайдовчиси кўзига муал-лақ тургандай бўлиб қўринад ва ҳайдовчи хушёрликни ошириб, тезликни камайтиради, натижада пидедалар йўлдан қотиражам ўтиш-лари имконияти ортади.

Ўзбекистоннинг ҳар бир ту-манида ҳар йили муҳтож хо-тин-қизларга 6-10 та арзон уй-жойлар ажратилади.

Бу ҳақда «Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қиз-ларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тў-ликсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жой-лар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ва-зирлар Маҳкамаси қарориди бел-гиланган.

Ўзбекистонда «Ravon» бренди остида чиқариладиган машиналар сотила бошланди.

Хорижий кинокомпаниялари энди Ўзбекистон моддий ва ма-даний мерос объектларида су-ратта олиш ишлари учун пул тўлашга мажбур бўлмайд. Уларга Ўзбекистон брендини тарғиб қи-лиш шарти қўйилади.

«Обод қишлоқ» дастури дои-расида Жиззах вилоятидаги Гага-рин шаҳарчасида кам таъминлан-ган оилалар учун 4 сотихли 400 та намунали арзонлаштирилган уйлар барпо этилмоқда.

Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида 2018 йил-нинг 1 июнидан бошлаб «Траст-банк» хусусий акциядорлик бан-кининг барча филиаллари ва мин-и-банкларида тўлиқсиз фойлатиш кўрсатиш жорий қи-лини.

Хорижий ижодий гуруҳларга Ўзбекистондаги учувчисиз учар қурилмаларни вақтинчалик олиб кириш ва мамлакат ҳуду-дида фойдаланишга рухсат бе-рилди.

7 – 14 июль кунлари Тош-кент шаҳрида оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Че-мпонат бошланиши арафа-сида пойтахтдаги «International hotel» меҳмонхонасида Халқаро оғир атлетика федерациясининг Ижроия Қўмитаси йиғилиши ва навбатдаги Конгресси бўлиб ўтади. Унда ташкилот прези-денти Томаш Аяян ҳам иштирок этиши кутилмоқда.

Германиянинг «Volkswagen» автомобиль концерни ва «Ўзавто-саноат» Ўзбекистон ҳудудига би-ринчи қўшма модели ишлаб чиқариш бўйича линияни ишга туширишни деярли муво-фикаштириб олди.

«Ўзавтосаноат» йил охи-ригача Асак шаҳридаги «GM

Uzbekistan» автомобиль заво-дининг ягона акциядорига ай-ланади. Шунингдек, жорий йил охиригача Chevrolet Captiva ав-томобилини ишлаб чиқаришни тўхтатади.

Ўзбекистон футбол ассоци-ацияси ва «Реал Мадрид» клуби академияси ўртасидаги келишувга асосан «Кироллик клуб»нинг 3 нафар мураббийи — Карлос Альберт, Мануэль Агуадо Хил ва Эктор Висенте Тошкентга келди. Испаниялик мутахассис-лар 16 июнга қадар юртимизда бўлиб, болаларга футбол бўйича маҳорат дарсларини ўтаб бери-шади.

«Пойтахт» бизнес марказида 31 май — Халқаро кашандаликка қарши кураш куни муносабати билан «Ўзбекистонда тамакига қарши курашни бўйича «Йўл ха-ритаси»ни ишлаб чиқиш» мавзун-да давра суҳбати ўтказилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш таш-килотининг Ўзбекистонда катта-лар орасида чекининг тарқал-гани тўғрисидаги сўнгги кўрсат-кичларига асосланган прогнозга кўра, ҳозирда 2,8 миллион нафар кашандаланинг ярмидан кўпи-нини ҳаёти хавф остида қол-моқда.

Ўзбекистонда 15 йилдан сўнг шаҳарлараро автобусларнинг кечаси ҳаракатланишига яна рухсат берилди.

АҚШнинг Афғонистондаги қўшинлари қўмондони, генерал Жон Николсоннинг қайд этишича, айни вақтда ИШИДнинг Афғо-нистондаги қучлари 34 та вило-ятдан фақатгина 3 тасидagina тўпланмоқда. Бирок бутун мам-лакат бўйлаб ёйилишга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон футбол ассоциа-цияси «Ифтихор» футбол клуби директори Аҳрор Эргашевнинг клуб футболчиларига нисбатан таъжовузор хатти-ҳаракатларни амалга оширган ҳақидаги матбу-отда тарқалаётган хабарлар юза-сидан баёнот берди.

Қайд этилишича, Аҳрор Эргашев ҳамда клуб катта мураб-бийи Нодир Қўзибоевнинг ушбу хатти-ҳаракатлари асосида су-ринштирув ишлари бошланган ҳамда ушбу ҳолат юзасидан айни дамда текширув давом этмоқда. Улар ҳар қандай футбол фаоли-яти олиб бoришдан бутунлай чет-латилди.

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бокс бўйича «Губерна-тор кубоги» мусобақасида Ўзе-бекистон терма жамоаси 4 олтин, 3 тадан қумуш ва бронза медал-ларини қўлга киритди.

Ҳиндистонда дунёдаги энг ка-димий иккинчи қоятош топилди. Ҳиндистон, Хитой ва Малайзия геологлари 8 йил аввал Ҳинди-стоннинг Одиша штатида топи-лан тош устида тадқиқот олиб бо-ришди. Бу қоятош 4 миллиард 240 миллион йиллик тарихга эга экани маълум бўлди.

Интернет нашрлари ҳамда ўз муҳбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

Эзгу ниятларга туташ анъаналар

— Бу анжуман ҳаётимдаги энг ширин хоти-ралардан бири сифатида бир умр юрагимда қо-лади, — дейди франциялик сайёҳ Шонтал Парис. — Ўзбекистонда биринчи марта келишим. Даст-лаб Хивада бўлдим. Нуротанинг қадимий тарихи ва чашма баликлари менинг эътиборимни тортди. Халқаро фестивалда иштирок этаётганимдан хур-сандман. Халқининг бир-бирига бўлган меҳри мени ўзига жуда мафтун этди. Қадимий қўшиқлар эса чиндан ҳам ёқимли ва хузурбахш.

Тадбирда «Сайкал», «Мейрас», «Ойпар», «Уйчи тоғни», «Бешқарсақ», «Сайхун йигитлари», «Бойсун», «Қурама» каби бадиий жамоаларнинг чиқишлари байрам иштирокчиларида катта таас-сурот қолдирди.

— Четдан кузатсангиз, манзаралар эртакона, анвойи ранглар жилоси чашма мажмуасида мужас-самлигига гувоҳ бўласиз. Бу анжуман ҳақиқатан ҳам ўзбек халқининг қадимий кадриятлари сифа-

тида қайтадан сайкал топмоқда, — дейди Навоий вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Р. Эгамов. — Қадимий фольклор санъати билан ўтмиш мада-ний ёдгорликларимиз тарихининг ўзаро боғлиқ-лиги, узвийлиги ва улутвоялиги ҳамда уларнинг буюк маънавиятимизнинг ҳақиқий сарчамалари эканини кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган байрам нафақат халқимиз, балки бутун дунё анъа-наларининг туташлигини ҳам намоён қилди. Фес-тиваль иштирокчиларининг ҳар бири ўзига хо-слиги, ижрочилик маҳоратининг тақдорланмаслиги билан ажралаиб турди.

Анжуманнинг Нурота заминида бўлиб ўтгани ҳам бежиз эмас. Бу ердаги бой маданият, Эргаш Жуманбулдулек бахшлари, игна билан дунёга чиққан каштадўзлар санъати фахр-ифтихоримиз-дир. Халқ қалбидан отилиб чиққан наволар тил-дан-тилга кўчиб, авлодлар қалбига нур каби оқиб қирмоқда.

— Ушбу анжуман орқали юртимизнинг барча



ҳудудлари ҳамда Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон, Қозғистон каби хорижий давлатлар-нинг ҳам ўзига хос урф-одатларидан баҳраманд бўлдим, — дейди наманганлик Ёкутхон Жўрабо-

ева. — Қадимий қўшиқларимиз қайтадан сайқал-ланиб, янги-янги кирраларини намоён этмоқда. Бундай фестиваллар халқимиз, айнқиса, ёшлари-мизни янада ҳамжихатликка ундайди.

— Санъатда энг қадимий, ўзига хос йўналишлар-дан бири саналган фольклор, аввало, инсонларни куй-қўшиқ воситасида бир-бирига яқинлаштирган, — дейди жаззхалк Фаррухбек Ўразбоев. — Ундаги яна бир асосий жиҳат — ёш хусусияти ҳисобланади. Масалан, бир жамоада ҳам жажжи болакай, ҳам ну-роний онахонни, ҳуллас, оила аталмиш даргоҳ эгала-рининг барча-барчасини кўрасиз, улар бирга қуйла-шади, рақсга тушишади. Бу жараён эса инсонга ўз-гача завқ бағишлайди.

«Нурли наволар» халқаро фестивали доирасида тасвирий ва амалий санъатга қизиқувчи ёшлар кўр-газмалари, қаштачиликнинг энг гўзал намуналари намоийиши, қитбохонлик тарғиботи ва олимлар бил-лан мулоқотлар, халқ ўйинлари ва анъанавий май-дон томошалари санъати намоёндаларининг дас-

турлари ҳам тadbирга ўзгача кўрк бағишлади.

Фестивалда ўз ҳудуди кадриятларини кўз-қўз қилиб, ғурурланиб намоийи этаёт-ган жамоалар чиқишларини кузатар экансиз, уларга қўшилиб қуйлагинида келади. Ушбу фе-стивалда томошабин сифатида катнашган, қа-чонлардир урушнинг оғир кунларини бошидан кечирган отахон-у онахонларнинг кўзларида севинч ёшлари, дилларида шукрона туйғулари жўш урди.

Бир сўз билан айтганда, қалбларимиз, ҳар бир кунимиз нурга, ёруғ максалларга тўла бутунги фaровон ҳаётимизга байрамлар ярашади. Ана шу ну-рафшонлик куй-қўшиқларимизга ҳам қўчяпти. Қа-димий оҳанглар тарангун этилаётган халқаро фе-стиваль ангидан-янги истисдод эгаларини қамф этиб, ёшларимизни қадимий санъатимизга бўлган қизиқишини янада қучайтиришга хизмат қилади.

Дилафрўз ҲОЗОВА
«Ishonch»



Ўзбекистонда Челябинск кунлари

АҲОЛИ МАМНУН

Касб маҳорати оширилмоқда

Мажбурий меҳнатга барҳам берилади



Сен дард чекма, болажон!

Семинар



Озода МАМАДАЛИЕВА
«Ishonch»

Аукцион савдолари хабарномаси
«KO'CHMAS MULK FINANS INVEST»
МЧЖ мулкнинг бошланғич нархи
босқичма-босқич ошиб бориши
тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион
савдоларига таклиф этади!

**«Best realtor» МЧЖ Фаргона минтақавий
филиали бошланғич баҳоси
босқичма-босқич ошиб бориш тартибида
ўтказиладиган очиқ аукцион
савдоларига таклиф этади!**

Талабгорлар объект бошлангич баҳосининг 15 қундан кам бўлмаган микдорда закалат пулини, савдо ташкилотининг «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиалининг «Трастбон» Фарғона филиалидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: Х/Р:20208000300433601012.МФО:01121, СТИР: 303179580. Савдо ташкилотисининг: Х/Р:20208000300433601012.МФО:01121, СТИР: 303179580. Савдо ташкилотисининг савдо ушқатқиланидан маъинг: Фарғона шаҳар, Соҳибқорон Темур кўчаси 45-й. Телефон: (98895)402-54-75. Расмий сайтибиз: Emulk.uz, Почта: best.fergana@inbox.uz

Биз томонларда отасининг акасини «катта ота» ҳам дейишади. Умр оқар дарё экан — кечагина «катта ота»лар ортидан эргашиб, эркаланиб юрган бола эдим. Бугун эса ўзим катта отаман. Бахти бутун бўлгур набираларимнинг китобга меҳри баланд. Улар йилда бир-икки бор меҳмонга келишади ва ҳар сафар кутубхонамнинг тит-питини чиқариб кетишади. Мен эса «қуш уясида кўрганини қилаётгани»дан хурсанд бўламан.

Тўғриси, имкон бўлганда набираларимни китоб билан сийлаб тураман, лекин кунлардан бир кун улар ўз совғам билан ўзимни саволларга кўмиб, асабим бузилишига сабабчи бўлишади, деб ҳечам ўйламаган эдим. Ҳаммаси «баҳри байт»дан бошланди...

Яқинда кишлоққа борган эдим. Бахона-ю сабаб билан ҳамма қариндош-уруғ катта ҳовлига тўпланди. Кечкурун болалар (набира ва жиялар) икки гуруҳга бўлиниб, баҳри байтни бошлаб юборишди. Вактин ҳисоблаб турувчи ҳамма ҳамма — қамини.

Шундай қилиб, аввал шеърлар ўқилди, сўнг исмлар «элақ»дан ўтказилди. Ким кўп топишга топишмоқлар ҳам айтилди. Навбат пойтахт шаҳарлар ва мамлакатларнинг номига келди-ю, ўйиннинг шу шарти билан Бобурнинг «бебош»лиги боис бошланмасдан «барбод бўлди».

— И-е, тўхтанглар-да, — деди у. — Ўйиннинг шу жойига келганда нукул, меники тўғри, сеники нотўғри, деб ўрлашиб қоламиз. Келинлар, катта отамдан сўраймиз. Кўрамиз, кимники тўғри чиқаркан?

Бобурнинг гапи ҳаммага маъқул келди ва бирин-кетин саволлар ёғила бошлади.

— Қатар тўғрими — Қатар?
— Қоҳира бўладими Қоҳира?
— Кувайт Кувейт дейладими?
— Қозғистон деб ёзиладими ёки Қозғистон?

Аввалига, бундай «қизик» саволларга жавоб бера туриб, «ах, энди, Японияни «И-пония» дейдиган, «К» товушини «К» деб талаффуз қиладиган «маданиятли саводли»лар кўп, «олимо»лар ҳам бор. Бу болалар ҳам ўшанинг касрига қолиб, чалғиб-чалғишиб юрган экан-да» деган ҳаёлга бордим ва кейинги саволларни кутдим.

Ҳикмат

Худди ярамас ошоналар сингари бўлмағур китоблар ҳам бизни ўйдан уриши мумкин.

Г.ФИЛДИНГ

Академиада — 2018


Тошкент ботаника боғида Ўзбекистон Фанлар академияси маъмурияти ва Бирлашган қасаба уюшма кўмитаси томонидан аънавий «Академиада — 2018» спорт мусобақаси ташкил этилди. Унда 200 дан ортқ иштирокчи спортнинг мини-футбол, стол тенниси, шахмат ва ёшга оид академикросс турлари бўйича ўзаро куч синашди.

Қизгин руҳда

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилаётгани ортидан кўплаб истеъодлар кашф этилиб, юртимиз номи дунёга танилмоқда, — дейди ЎзФА Бирлашган қасаба уюшма кўмитаси раиси Шерзод Жўраев. — Бу жараёнда аҳолининг кенг қатлами, айниқса, ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришда кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Қолаверса, турли соҳаларда меҳнат қилувчи ходимлар ўртасида ташкил этилаётган мусобақалар, спорт тадбирлари уларнинг ҳаётини фаоллиги, меҳнат фаолияти самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ушбу тадбир ҳам айнан шу мақсадда ҳар йили аънавий тарзда ўтказиб келинади.

Мусобақалар қизгин руҳда ўтди. Ҳолиблар ташкилотчилар томонидан диллом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ўз муҳбиримиз



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир:
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Қасаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилими:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-йўл.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтаининг: сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.



«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-йўл.

Тахририят ҳисоб рақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ispetka bank» Яншообод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андижон — (+998-91) 475-23-60
Бухоро — (+998-93) 653-50-81
Жиззах — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навоий — (+998-93) 314-13-03
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-90) 991-55-71
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Т. Шериев
Навбатчи:
А. Абдулхайров
Муасхиф:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Х. Абдулқаликов
Босишга топшириш вақти — 02:20
Топширилди — 02:40
12.4.56
Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ,
Бюджет Г — 609.
29561 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133



Диққат, муаммо!

нарс. Ўша хатолар... Ўша масъуллар...

Кўл учиди чиқарилган китоб бешта қўлдан ўтиб, «дунёга келган». Демак, муаллиф Аҳмаджон Маматқаримов. У кишининг китобга ўта «масъулият» билан ёндашгани «...бу борада олиб борилган ўз тажрибаларни келтириб ўтмоқчиман» дейишдан маълум. Афсуски, китобда «тажрибаларни» каби «тажрибалар» кўп ўтказилган.

Тақризчилар — Исомиддин Абдуғаниев, география фанлари номзоди, доцент. Муборакхон Пайзиева, Фарғона ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг география кафедраси мудариси. Бу илмий даражали тақризчиларнинг китобга «муносабати» янада тушунарли. Улар муаллифга, ҳойнаҳой, «зўр китоб бўларкан, табриклайман» дейишган-у, қўлэзмани ўқиб ҳам кўришмаган. Ўқишса, бундай хатоларга йўл қўйилмасди. Энг қизиғи, нимагадир улар 2013 йилги нашрдан «бадрга қилинган».

Ҳар икки сафар ҳам китобга муҳаррирлик қилган Улугбек Раҳимов ва муасхиф Инобат Турсунова ҳам ўз вазифасига «ўта жиддий» ёндашган. Уларнинг китобни «диққат билан ўқишгани» шундоқкина кўриниб турибди.

Мен балким, жудаюм катта мутахассис эмасдирман, лекин битта нарсани аниқ айта оламан: китоб жиддий тузатиш ва тахрирга муҳтож. Мутахассис ва муҳаррирлар бу китобни, албатта, «хатм» қилишлари керак. Агар шундай қилинмаса, буям бир жиноят... Ахборот технологиялари, чет тили ва лотин алифбосини билиш, ўзлаштириш борасида болалар ҳам биз — катталардан анча илгариллаб кетган. Буни асло унутмаслик лозим. Унутсак, билган болалар олдида ким деган одам бўлаемиз?

Шу ўринда бир мулоҳаза: агар ҳаётда бирор киши жиноят қилса, у қонун олдида жавоб беради. Лекин «жизноятчи» китоб бўлса-чи? Уни ким жазолайди? Албатта, бу беўхшов ўхшатишга эътироз билдиришингиз мумкин. Аммо «ажабтобур» китоб қандайдан-қанча болаларни қалғитиб, нотўғри билим олишига сабабчи бўлса, бу жиноят эмасми? Масаланинг маънавий томонларини ҳам ҳисобга олсак, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси янада ортади. Жиноятга жазо муқаррар экан, китоб ҳам, унинг муаллифи-ю ноширлари ҳам ўз «қилмишларига» жавоб бериши керак эмасми?

Ҳа айтганча, ҳар иккала вариантда ҳам Ер аҳолиси 6,5 миллиард киши (2008 йилги маълумот) деб ёзилган китобни Интернетдан (сотувдан) олиб ташлаш шарт.

Хуллас, болаларни «бола» билмайлик, уларни бемаъни ва бўш китоблардан асрайлик!

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
журналист

Кўргазма

Ёш иқтидор эгаларининг назарий ва амалий билимларини ошириш баробарида бажарган ишларини намоиш этиши учун ҳам шароит яратиш керак бўлади. Зеро, болаликдан инсоннинг маълум бир ички қобилиятини юзага чиқариш, уни бирор соҳага йўналтириш учун қилинган саяёҳаракатлар келажакда ўз самарасини бермай қолмайди.

Истеъдод — эътибор самараси

Ўзбекистон Бадий Академиясининг Камолдин Бехзод номидаги Шарқ миниятура санъати музейида Янгийўл ва Ангрэн шаҳарларида жойлашган имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг «Биз серкўёш юрт фарзандларимиз» номли кўл меҳнати билан яратилган ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди.

Бугунги тадбирдан кўзланган асосий мақсад ушбу таълим муассасаларида таҳсил олувчи ўқувчиларнинг ўз қобилиятларини намоён этиши, шу орқали тенгқуравлига ўрناк бўлишига кўмак беришдан иборат, — дейди музей раҳбари Гулабза Қаршиева. — Болажонларнинг келгусида ҳам ўз салоҳиятларини ривожлантириб, янги-янги ижод намуналари яратишларига иштиёқ уйғота олсак, ниятимизга эришган бўламиз.

«Ҳар бир болага меҳр ва эътибор» шiori остида ўтказилган ҳафталик доирасида ташкил этилган бу кўргазмада болажонлар томонидан тайёрланган турли панно, миллий дўппи, тўқилган ўйинчоқ, дурадгорлик ва темирчилик ишлари, турфа матолардан ясалган кўйричқоқлар ва шу каби кўл меҳнати ёрдамида яратилган асарлар намоиши бўлиб ўтди.

Кўргазмада Янгийўл шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган ёрдамчи мактабнинг 25 нафар, Ангрэн шаҳридаги 9-ихтисослаштирилган мактабнинг 41 нафар иктидорли ўқувчилари ўзларининг 100 дан ортқ тасвирий ва амалий санъат намуналари билан иштирок этди.

Ўқувчиларимиз томонидан тайёрланган ишлар кузатувчи ва катнашчиларда катта таассурот қолдири, — дейди Янгийўл шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаб директори Наргиза Муслимова. — Болажонларнинг ўзлари ҳам бундан бениҳоя хурсанд бўлишди ва шу билан бирга, бошқа иктидорли тенгқуравлининг тайёрлаган ижодий ишларини кўриб, тажриба алмашишди.

Эътибордиси шундаки, бу кўргазма биринчи марта таъкил этилишига қарамасдан, йиғилганларда катта қизиқиш уйғота олди. Янги истеъодларнинг кашф этилиши, янги гоёлар ва ижод намуналари билан танишиш барчага ўзгача кайфият улашти.

Зулфия ХОЛИМУХАММЕДОВА,
«Ishonch» муҳбири

Жойида ҳал қилинаётган муаммолар

Маълумки, кейинги пайтларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида бир қанча хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, соҳадаги янгиликларни амалиётга жорий этиш, репродуктив саломатликка алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, кишлоқ жойларда аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишда кишлоқ врачлик пунктлари фаолияти тубдан янгиланмоқда. Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида жойларда учраётган муаммоларнинг ўз вақтида олдини олиш, ҳудудлар аҳолиси учун қўлай бўлган сифатли ва замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларни барвақт аниқлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Унда Ўзбекистон аҳолисига ихтисослашган травматология ва ортопедия хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ва шу соҳанинг ягона вертикал тизимини яратиш, ягона клиник протокол ва даволаш стандартларини татбиқ этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Республика ихтисослашган травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази мутахассислари масъул мутаассидлар билан ҳамкорликда жорий йилнинг дастлабки ойидан бошлаб

аҳоли билан учрашувлар ўтказиб келмоқда.

Ушбу мулоқотлар чоғида мутахассислар томонидан жойларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, уларни қийнаётган муаммолар



сабаби ўрганилмоқда. Энг муҳими, сайёр қабуллар чоғида аҳолини йўлантираётган муаммолар аксарият ҳолларда ўз ечимини топмоқда.

Яқинда Республика ихтисослашган травматология ва ортопедия илмий-амалий марказининг бир гуруҳ юқори малакали мутахассислари Сурхондарё вилоятининг чекка туманлари аҳолисига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш мақсадида Қизирк, Ангор, Шеробод, Бойсун ва Қумқўрган туманларида бўлишди.

Тажрибали шифокорлар томонидан жойлардаги травматология ва ортопедия хизмати ҳолати, ҚВПларда диспансеризация ва ортопедик касалликларнинг тарқалиш сабаблари ўрганилди. Бундан ташқари, соҳа ходимлари туманлардаги кўп тармокли тиббиёт биришмалари шифокорларига травматология ва ортопедия соҳасида чет элларда қўлланиб келинаётган замонавий технологиялар асосида эрта диагностика қилиш ҳамда даволаш технологияларини амалиётда қўллаш ҳақида маълумот беришди.

Ўтказилган тадбирлар мобайнида туман шифокорлари билан ҳамкорликда энг замонавий ва диагностика даволаш усулларини амалиётда қўллаш машғулотларига кенг ўрин берилди. Чунки бундай усул уларнинг малакасини оширишга хисса қўшади, — дейди марказ катта илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди Эсон Шукуров. — Айниқса, аҳолини қийнаб келаётган муаммолар, хусусан, болаларда туғма бўйин қийшқилиги, сон суяги бошчаси туғма қийшқили, маймоқлик, сколиоз ва кўкрак қафаси туғма деформациялари каби касалликларни эрта аниқлаш ҳамда даволашнинг замонавий усуллари ҳақида маълумотлар берилди. Бундан ташқари, назарий кўникмаларни беморларда қўллаш бўйича маҳорат дарслари ўтказилди.

Ўз муҳбиримиз